

**О‘ZLITINEFTGAZ» АЖ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЛИ АЛЕКСАНДР РОБЕРТОВИЧ

**ГАЗ КОНДЕНСАТ КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ СЎНГГИ
БОСҚИЧИДА ГАЗНИ ЙИҒИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Ли Александр Робертович

Газ конденсат конларини ўзлаштиришнинг сўнгги босқичида газни йиғиш ва тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш.....3

Ли Александр Робертович

Совершенствование технологии сбора и подготовки газа на поздней стадии разработки газоконденсатных месторождений.....19

Li Aleksandr Robertovich

Improving the technology of gas collection and treatment at the late stage of development of gas condensate fields.....35

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**О‘ZLITINEFTGAZ» АЖ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЛИ АЛЕКСАНДР РОБЕРТОВИЧ

**ГАЗ КОНДЕНСАТ КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ СЎНГГИ
БОСҚИЧИДА ГАЗНИ ЙИҒИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/T2274 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://liting.us/pages/view/77>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Назаров Улугбек Султанович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хўжаев Исматулла Қушаевич техника фанлари доктори, профессор Шевцов Владимир Михайлович техника фанлари номзоди
Этакчи ташкилот:	“И. М. Губкин номидаги (МГУ) Россия давлат нефть ва газ университети” Олий таълим федерал давлат автоном таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги (О‘збекистон Республикаси) филиали

Диссертация ҳимояси «O‘ZLITINEFTGAZ», АЖ ҳузуридаги DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 14.07.2022 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100029, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 2, тел.: +998712806700; факс +998712566648, e-mail: liting@liting.uz).

Диссертация билан «O‘ZLITINEFTGAZ» АЖнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100029, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 2, тел.: +998712806700; факс +998712566648, e-mail: liting@liting.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 06 кунни тарқатилди.
(2022 йил «28» 06 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



А.Х. Агзамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Р.У. Шафиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Н.Н. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий газ конларини жадал ишлатиш ва конлардаги қатлам энергиясининг камайиши муносабати билан, сўнгги йилларда геологик захираларни максимал даражада қазиб олиш мақсадида ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, табиий газ қазиб чиқаришнинг янги тизимларини яратиш ва мавжуд тизимларни модернизация қилиш долзарб муаммолардан биридир. Шу сабабли, нефть - газ саноатининг устувор йўналишларидан бири, углеводород хом-ашёсини қўшимча ошириш мақсадида қазиб чиқариш усулларини такомиллаштириш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда конларнинг геологик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш орқали, истиқболли илмий-технологик қидирув ишларини олиб бориш орқали, табиий газ билан бирга қазиб олинувчи йўлдош сув ва газ конденсатидан максимал даражада ажратиш масалаларида, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, табиий газ қазиб олишнинг самарали усулларини геолого-газодинамик моделлари, газни йиғиш ва тайёрлаш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ҳамда газ қазиб олиш шароитларининг ёмонлашуви даврида конларни ишлатишнинг амалий тизимларини модернизация қилиш, захиралар миқдорини ортишига ва углеводород базаси ресурсларини тўлдириш орқали, уларни қазиб олиш даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда газ конденсат конларини ишлатишнинг сўнгги босқичида газни йиғиш ва тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясида “...миллий иқтисоднинг рақобатбардошлигини ошириш,... иқтисодиёт соҳаларида энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада табиий газ қазиб чиқариш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш асосида газ конденсат конларини ўзлаштиришнинг сўнгги босқичида газни йиғиш ва тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Фармонлари ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Иқтисодиёт ва аҳолини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ саноати бошқарув тизимини молиявий соғломлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом- ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Газ-конденсат конларини ўзлаштиришнинг сўнгги босқичида газни йиғиш ва тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, техника йўналишидаги университетлар ва турли сепарация ускуналари ва компрессорлар ишлаб чиқараётган технологик компанияларда, шу жумладан Siemens (Германия), State University (АҚШ), Tokyo Institute of Technology (Япония), Россия давлат нефть ва газ университети (Россия), ГазпромВНИИГаз (Россия), Cape Breton University (Канада), Herriott-Watt University (Буюк Британия), Texas A&M University Louisiana (АҚШ), Atyrau Institute of Oil and Gas (Қозоқистон), Azerbaijan Technical University (Озарбайжон), University of New South Wales (Австралия) кабиларда олиб борилмоқда.

Дунёда газни йиғиш, тайёрлаш, сиқиш ва ташиш учун самарали тизимларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли шароитларга ва ишлаб чиқишнинг турли даврларига мос технологияларда ушбу тизимларнинг кўплаб вариантлари яратилди.

Жаҳонда газ-конденсат конларини ишлатишнинг сўнгги босқичлари учун оптимал тизимларни лойиҳалашда табиий газ қазиб олишнинг нисбатан юқори суръатларини ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни таъминлашга йўналтирилган масалалар катта аҳамиятга эга.

Қатор хорижий ва маҳаллий олимларнинг, жумладан С.М. Алдошин, Р.Л.Барышкин, А.В.Дунаев, Е.А.Казанцев, Р.Ч.Ли, Т.В.Максимова, В.З.Минликаев, У.С.Назаров, И.К.Хужаев, J.G. Speight, Z.Duan, R.Svoboda каби олимларнинг тадқиқотлари, конларни ишлатишни турли геологик ва гидродинамик шароитларида табиий газ қазиб олишнинг технологик жараёнларини моделлаштиришнинг назарий асослари ва амалий муаммоларини ўрганишнинг турли масалаларига бағишланган. Ушбу олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар газни йиғиш ва тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш, конларни ишлатишнинг сўнгги босқичида газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва ташиш тизимларининг фаолияти ва уларни оператив бошқарувини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш йўналишида амалга оширилган.

Шу билан бирга, бир қатор ютуқларга ва олинган натижаларга қарамай, қатлам энергиясини камайиши юқори бўлган конларни ишлатишда фойдаланиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги газодинамик моделларни газни йиғиш, сиқиш ва ташиш тизиларида, мукамал даражада қўлланилиш имкони мавжуд эмас, чунки ушбу моделларни қўллаш қазиб олинган углеводород хомашёсини тайёрлашдаги, босим ва ҳарорат диапазонларининг тушиши имконияти билан чекланган.

Диссертация ишида, углеводород хомашёси захираларида аномал паст қатлам босими шароитида, газ-конденсат конлари (ГКК) газ конденсат конларини ўзлаштиришнинг сўнгги босқичида газни йиғиш ва тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш технологияларини таҳлил этиш ва тезкор бошқариш учун мос моделлар ва алгоритмларни қуриш мақсадида, газни йиғиш, сиқиш ва ташиш жараёнларининг мураккаб технологик объект шаклидаги газодинамик моделлар умумлаштирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти "О'ZLITINEFTGAZ" АЖ нинг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 51/420-РП-2018 «Жанубий Кемачи конида газ ички транспорти ва йиғиш тизимларини лойиҳалашнинг технологик ечимлари» (2018), 51/109-РП-2019 «Зеварда конида газ ички транспорти ва йиғиш тизимларини СКС (сиқувчи компрессор станция) қурилиши билан лойиҳалашнинг технологик ечимлари» (2020), 51/111-РП-2019 «Алан конида газ ички транспорти ва йиғиш тизимларини СКС қурилиши билан лойиҳалашнинг технологик ечимлари» (2020), 51/113-РП-2019 «Денгизкўл конида газ ички транспорти ва йиғиш тизимларини СКС қурилиши билан лойиҳалашнинг технологик ечимлари» (2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади газ конденсат конларидан табиий газ қазиб олишнинг нисбатан юқори ҳажмларини сақлашни таъминлаш учун қатлам энергиясининг камайиши шароитида газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатиш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатиш технологияси орқали газ-суюқлик оқимларининг ҳаракатини таҳлил қилиш ва қазиб чиқаришдаги муаммоларни аниқлаш;

конларни ишлатишнинг ўзгарувчан шароитларида газни йиғиш ва сиқиш технологияси параметрларини ҳисоблаш методикаси ва газ динамик моделини ишлаб чиқиш;

газ қазиб чиқаришнинг қатлам энергияси пасайиш даврида газ ва газ-конденсат қазиб чиқариш кўрсаткичларини максимал даражада ушлаб туриш учун ишлатилаётган конларни модернизация қилиш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

қатлам энергиясининг юқори даражада пасайиши шароитида конларни ишлатиш кўрсаткичларини, газни тайёрлаш технологик параметрларига таъсири даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида газ-конденсат конларидаги газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатиш технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети «қатлам – кудуқ – газни тайёрлаш қурилмаси – СКС» мураккаб газодинамик тизими, усуллари, таҳлил қилиш процедуралари ва истиқболда газ конденсати конларининг эксплуатация қилиш кўрсаткичларини прогноз қилиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида газодинамик моделлаштириш, маълумотларга статистик ишлов бериш ва табиий газ қазиб олиш параметрларини тизимли таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қатлам энергиясининг пасайиши шароитларида газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатиш технологиясини газодинамик модели ва ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

газ ва газ конденсати қазиб чиқариш суръатини юқори даражада ушлаб туриш учун узок ишлатилаётган конларни модернизация қилишга доир янги технологик ечимлар ишлаб чиқилган;

газ конденсат конларида газ транспорти тизимидаги босим йўқотишларини камайтириш мақсадида конларни ишлатишнинг сўнгги босқичида газни тайёрлаш қурилмаларида газ сифатининг янги кўрсаткичлари аниқланган;

газ динамик моделлаштириш асосида конларни ишлатишнинг сўнгги босқичида паст ҳароратли сепарация қурилмаси ёрдамида газни сифатли тайёрлаш режимининг рационал технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вақт бўйича ўзгарувчан параметрларга эга газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатишнинг қўйи тизимлардан ташкил топган ягона технологик тизимининг технологик иш режимини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилган;

қатлам босимининг аномал даражада тушиши шароитида газ-конденсат конларидан газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва ташиш тизими параметрларининг ўзгаришини баҳолашнинг бутун технологияларини иш режимларини тезкор бошқариш имконини берувчи методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги

Муборак НГКЧ бошқармасига қарашли Зеварда, Алан ва Денгикуль конларида газ қазиб олиш технологияларини такомиллаштиришнинг ишлаб чиқилган услубий асослари муваффақиятли синовдан ўтказилганлиги илмий ёрдам билан қатлам энергиясини пасайиши шароитларида газ конденсати конини жиҳозлаш объектларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш, газни йиғиш ва сиқиш технологиясини лойиҳалаш бўйича тасдиқланган технологик ечимлар ва газни тайёрлаш қурилмаларини ишлатиш

регламентлари билан исботланган ва энергия ресурсларни тежаш ва газни сифатли тайёрлашни амалга ошириш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қатлам энергияси пасайиши шароитида газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатишнинг рационал технологияларни танлашнинг услубий ва алгоритмик таъминоти яратилганлиги ва у қолдиқ газ захирасини олишни таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти газ-конденсат конларини ишлатишнинг сўнгги, босқичида қатлам энергияси ва ер усти компрессор агрегатлари тузилмаларидан самарали фойдаланиш йўли билан конларни эксплуатация қилишнинг давомлилиги таъминланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Газ конденсат конларни ўзлаштиришнинг кечки босқичида газни йиғиш, ва тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

газни йиғиш ва узатиш технологияларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқилган технологик ечимлар “2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб чиқаришни ошириш дастурининг Бизнес-режасига (II босқич)” киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-5/156-сон маълумотномаси). Натижада, Зеварда ва Алан конларида маҳсулот газ қазиб чиқаришнинг амалдаги ўсишини 337,157 млн. м³ ташкил этиш имконини беради;

Денгизкўл конидан хомашё газ ва конденсат ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича технологик лойиҳа “2017-2021 йилларда углеводород хомашёсини қазиб чиқаришни ошириш дастурининг Бизнес-режасига (II босқич)” киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021 йил 19 октябрдаги 03-17-5/156-сон маълумотномаси). Натижада, Денгизкўл конида 2020-2030 йиллар даврида хомашё газини қазиб чиқариш ўсишини 7483.32 млн. м³ ва газ конденсат 6.69 минг тонна ошиши имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан: 5 та илмий журналлардаги мақолалар, 8 та тезис, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми.

Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Газ-конденсат конларида газ қазиб олиш ҳажмининг пасайиши даврида газни йиғиш ва тайёрлаш технологияларини хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида газ қатлами босимининг пасайиши шароитларида турли даражаларда ўзаро ва ташқи муҳит, шунингдек, газ-конденсати конларининг асосий ер усти қурилмалари билан алоқага киришувчи катта миқдордаги элементлар (қудуқлар, газни комплекс тайёрлаш қурилмалари (ГКТҚ), сиқувчи компрессор станциялари, газ қувурлари ва бошқалар)дан ташкил топган мураккаб тизимни акс эттирувчи газ-конденсат конларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган. Олиб борилган ишлар таҳлили тизимнинг алоҳида элементларини тадқиқ қилишдан конларни ўрганишнинг турли босқичларида газ ва унинг конденсатини қазиб олиш объектлари ҳисобланган мураккаб технологик объектларнинг сабаб-оқибат алоқаларини комплекс тарзда ўрганишга ўтиш заруриятини кўрсатмоқда.

Илмий манбалар ва газ қазиб олиш объектларининг асосий хусусиятлари таҳлилига асосланиб, қатлам энергиясининг пасайиши даврида конларни ишлатиш самарадорлигини пасайтирадиган бир қатор хал этилмаган муаммолар мавжудлиги аниқланди. Бу муаммолардан асосийлари қуйидагилардир:

маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ҳолида газни йиғиш, тайёрлаш ва ташиш тизими учун тузилган газ динамик моделларининг ҳақиқий жараёнларга мос келмаслиги, бу ўз навбатида, газ конденсати конларини лойиҳалаш, ишлатиш ва улардан фойдаланишда қўлланиладиган тезкор маълумотларнинг сифатини шубҳа остига кўяди;

конларда қатлам босимининг пасайишида коннинг газни йиғиш, тайёрлаш ва узатиш тизими технологик режими параметрлари ўзгаришининг юқори динамикаси;

қатлам энергиясининг тушиши шароитида газ-конденсат конларини лойиҳалашда услубий ёндашувлар орасидаги номутаносибликлар мавжудлиги.

Газ-конденсат конларини ишлатишнинг сўнгги босқичида углеводород қазиб олиш тизими иккита асосий йўналишда такомиллаштиришни тақозо этади: қудуқлардан олинаётган маҳсулот бирлигига энергия сарфини тежаш ва техник воситалар, технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мақбул тизими билан таъминлаш. Турли

муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, уларнинг барчаси доимий газ қазиб олиш даврида газни йиғиш, тайёрлаш ва узатиш тизимлари самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишга қаратилган. Айтиш пайтда, конларни эксплуатация қилишнинг ҳақиқий кўрсаткичлари таҳлили конларни рентабеллик билан ишлатишни таъминлаш учун газ қазиб олишнинг пасайиши даврида янги ёндашувларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Бундай шароитларда табиий газ захираларини қазиб олишнинг рентабеллиги, газ конденсати конларида қатлам энергиясининг камайиши шароитида йиллик газ қазиб олишнинг сезиларли даражада камайишига йўл қўймаслик шarti билан ишларни ташкил этиш зарурлигини олдиндан белгилаб беради.

Юқоридаги хулосалар ушбу диссертациянинг мақсадини белгилашга олиб келди, у ишлатилаётган газ-конденсат конларининг табиий газ қазиб олишнинг нисбатан юқори ҳажмини таъминлаш учун конларда қатлам энергиясининг юқори даражада пасайиши шароитларида технологик иш режимларини назорат қилиш учун газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва ташишнинг оптимал тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишланган.

Диссертациянинг **"Газ-конденсат конларини ўзлаштириш тизимини тизимли моделлаштириш ва ҳисоблаш алгоритми"** деб номланган иккинчи бобида турли газ динамик тизимларни "қатлам сифими – қудук танаси - ер усти жиҳозлаш" интеграллашган ҳисоблаш услуби жиҳатларини ишлаб чиқишга бағишланган. Газ динамик тизим ўз моҳиятига кўра функционал ва ташкилий жиҳатдан кўп даражали иерархик тузилма ҳисобланади. Газ ишлаб чиқариш объектларининг ишлаш жараёнларини тизимли моделлаштириш муаммоларини ҳал қилиш углеводород тизимининг берилган оқим хусусиятлари учун газ босими ва ҳарорати асосий параметрларини баҳолаш билан боғлиқ.

Қудук усти газ босимининг технологик параметрларини аниқлаш зарур бўлганида текшириш ҳисоб-китобларини ўтказиш учун табиий боғлиқликлар бўйича газнинг қудукдан шлейфга узатилиши биномиал филтрлаш қонунига асосан тавсифланади:

$$Q(t) = \frac{-a\mu_{cp}Z_{cp} + \sqrt{(a\mu_{cp}Z_{cp})^2 - 4(bz_{cp} + \theta)(p_{уст}^2(t)e^{2s} - p_{пл}^2(t))}}{2(bz_{cp} + \theta)}, \quad (1)$$

бу ерда, a – қатламнинг филтрлашга қаршилик коэффиценти (филтрлаш қаршилигининг ёпишқоқ компоненти); b – филтрлашнинг қаршилик коэффиценти (филтрлаш қаршилигининг инерт компоненти); μ_{cp} – газнинг нисбий қовушқоқлиги; z_{cp} – газ сиқилувчанлиги коэффиценти; $P_{уст}(t)$ – қудук усти босими; $Q(t)$ – қудук бўйича газ дебити; $P_{пл}(t)$ – қатлам босими; θ – фаввора қувурларининг гидравлик қаршилик коэффиценти; s – коэффицент; t – конни ишлатиш йили.

Ушбу боғлиқликдан шакл алмаштиришлар билан қудук усти босимини ҳисоблаш имконини берадиган формула келиб чиқади:

$$p_{уст}(t) = \sqrt{\frac{(-a\mu_{cp} z_{cp})^2 + 4(bz_{cp} + \theta)p_{пл}^2(t) - (Q(t)2(bz_{cp} + \theta) + a\mu_{cp} z_{cp})^2}{4(bz_{cp} + \theta)e^{2S}}}. \quad (2)$$

Қудуқ дебитининг босим ва ҳарорат параметрларига боғлиқлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, қудуқ бошида босимнинг пасайиши билан газ-конденсат қудуқларида оқим тезлиги ошади ва қудуқ усти газ босими геологик захиралар тугаши даврида уни узатишга имкон бермаслигини ҳисобга олган ҳолда сиқувчи компрессор станциялари орқали газни самарали сиқишни ташкил этишнинг турли вариантларини кўриб чиқиш тақозо этилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, конларнинг ер устини жиҳозлаш тизимларида босим йўқотишларини максимал даражада камайтириш учун компрессор станциясини ўрнатиш нуқтасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Газ-конденсат конини ишлатиш кўрсаткичларининг самарадорлигини ошириш учун компрессор чиқишида (ГКТҚга киришда) газ босимини таъминлаган ҳолда кирувчи тармоқлар блоки (КТБ) ҳудудида компрессорни жойлаштириш тизими кўриб чиқилди. Компрессорни ўрнатиш жойи "қудуқ усти – шлейф – СКС - ПХСҚга кириш" тизимидаги стационар газ оқими қонунидан аниқланди.

Қудуқ усти босими, шлейф параметри ва қудуқ шлейфининг узунлигига нисбатан газни сиқиш ўртасидаги муносабатдан СКС жойлашиш нуқтасини аниқлаш мумкин ва у қуйидагича ифодаланади:


$$L_i = \frac{10,8 \cdot 10^3 E^2 d^5}{Q_{i\text{скв}}^2 \lambda_{гр} \Delta z_{cp} T_{cp}} * \left(P_{уст}^2 - \left(\frac{P_{унтс}}{\left(\frac{\eta_{дкс-1} N_{дкс-1} \eta_{м дкс-1} \eta_{пол дкс-1}}{14,4 Q_{i\text{план}} z_{ндкс-1} T_{ндкс-1}} + 1 \right)^{0,3}} : \left(\frac{\eta_{дкс-2} N_{дкс-2} \eta_{м дкс-2} \eta_{пол дкс-2}}{14,4 Q_{i\text{план}} z_{ндкс-2} T_{ндкс-2}} + 1 \right)^{0,3}} + 1 \right)^2 \right), \quad (3)$$

бу ерда $Q_{i\text{скв}}$ – қудуқ бўйича газ дебити; z_{cp} – газ сиқилувчанлиги коэффиценти; $P_{уст}$ – қудуқ усти босими; d – шлейфнинг ички диаметри; λ – гидравлик қаршилик коэффиценти; L_i – шлейфнинг узунлиги; T_{cp} – шлейфдаги газ ўртача ҳарорати; E – суюқлик мавжудлиги сабабли шлейфнинг ўтказувчанлигини пасайтириш коэффиценти; $\eta_{дкс-1}$ – СКС-1да компрессорлар сони; $N_{дкс-1}$ – СКС-1 компрессорнинг қуввати; $Q_{i\text{план}}$ – лойиҳа бўйича газ дебити; $\eta_{м дкс-1}$ – СКС-1 сиқув компрессор блокининг механик фойдали иш коэффиценти (ФИК); $\eta_{пол дкс-1}$ – СКС-1 компрессор агрегатининг политроп фойдали иш коэффиценти; $z_{ндкс-1}$ – СКС-1нинг сиқиш коэффиценти; $T_{ндкс-1}$ – СКС-1даги газнинг ҳарорати; $\eta_{дкс-2}$ – СКС-2да компрессорлар сони; $N_{дкс-2}$ – СКС-2 компрессорнинг қуввати; $\eta_{м дкс-2}$ – СКС-2 сиқув компрессор блокининг механик фойдали иш коэффиценти (ФИК); $\eta_{пол дкс-2}$ – СКС-2 компрессор агрегатининг политроп фойдали иш коэффиценти; $z_{ндкс-2}$ – СКС-2нинг сиқиш коэффиценти; $T_{ндкс-2}$ – СКС-2даги газнинг ҳарорати.

Қудуқни жойлаштириш нуқтаси шлейфнинг диаметрига боғлиқлигини, шунингдек, турли узунликдаги қудуқларнинг маълум миқдори СКСга уланишини ҳисобга олган ҳолда СКС жойлаштириш нуқтасининг ўзи ўртача узунлик сифатида аниқланади:

$$L_{i \text{ ср.}} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n L_i. \quad (4)$$

Металл минимал истеъмоли мезонига кўра, коллектор тизимларининг энг самарали жойлашувини рационал лаштириш масаласини ечиш қуйидаги блок-схема бўйича, шлейфлардаги босим йўқотишларини минималлаштириш технологик мезонига кўра, турли қудуқ усти босимларда ишлайдиган қудуқлар тизимининг белгиланган технологик иш режимларини боғловчи жараёни ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш билан амалга оширилди (1-расм).



1-расм. Конни ўзлаштириш кўрсаткичларига таъсир қилувчи газни йиғиш ва сиқиш тизимининг рационал технологик параметрларини ҳисоблаш учун блок-схемаси (муаллиф Ли А.Р., 2021 йил)

(4) формуладан келиб чиққан ҳолда, СКСни жойлаштириш учун рационал нуқтани танлаш конни ишлатишнинг турли даврларида СКС бўйича умумий берилган иш режими ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқдир. Шу муносабат билан газ йиғиш тизимининг шлейфларини қуриш учун рационал ечимни аниқлаш ва СКС қувватини техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бир нечта вариантларни таққослаш асосида қўллаш керак. Ушбу тамойилларга асосланиб, СКСни ўрнатиш учун ҳисоб-китоб

вариантлари газ қувурининг диаметри ва СКСнинг сиқилиш нисбати билан боғлиқ бўлиши кераклиги аниқланди.


Зеварда конида ушбу ёндашувни қўллаш натижасида 2021 йилнинг апрель-июль ойлари учун ишлаб чиқаришнинг амалдаги ўсиши кузатилди ва товар гази бўйича ўсиш 100,061 млн.м³ ни ташкил этди.

Диссертациянинг "Газ қазиб олувчи коннинг иш режимини модернизация қилиш ва технологик параметрларини ҳисоблаш учун технологик ечимлар" деб номланган учинчи бобида Зеварда, Алан ва Денгизкўл конларида қўлланиладиган газ йиғиш ва сиқиш тизими иш режимининг технологик параметрлари ҳисоб-китоб натижалари келтирилган.

Қатлам энергиясининг табиий (фойдаланиш вақтида) камайиши муносабати билан табиий газни белгиланган минимал шароитларда тайёрлаш ва СКС-1 га узатиш учун Зеварда, Алан ва Денгизкўл конлари ҳудудларида паст босимли СКС-2 қуриш таклиф этилди.

"Қудуқ – шлейф – газни тайёрлаш ва сиқиш" тизимидаги газ ҳаракатини таҳлил этиш натижаларига кўра, конларда қатлам босимининг паст қийматлари туфайли қудуқнинг технологик режимларини тартибга солиш имкониятлари нисбатан пастлиги аниқланди.

Бундай шароитда конларни ер усти ишлатиш тизимларида босимнинг минимал йўқотишлари мезонига кўра газ динамик моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу фойдаланишга бирлаштирилган конларнинг режим ва технологик хариталарини тузиш имконини беради (2-расм).



2-расм. Зеварда конида газ ишлаб чиқариш тезлигини максимал даражада сақлаб туруш учун гидравлик қаршиликни баҳолаш усулини қўллаш (муаллиф Ли А.Р., 2020 йил)

Тизимда ишлаб чиқилган усул бўйича газ динамик ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Зеварда газ конденсат конида нурли газни йиғиш схемаси қўлланилган. Лойиҳа қудуқларидан (16 нафар) маҳсулот йиғиш диаметри 168 мм ва умумий узунлиги 10,5 км бўлган Зеварда кирувчи тармоқлар ипига уланган лойиҳалаштирилаётган шлейфлар бўйлаб амалга оширилиши тавсия этилди.

Ҳисоб-китоблар, конларни модернизация қилиш бўйича комплекс чора-

тадбирларни амалга ошириш орқали, ҳаттоки қатлам энергиясининг пасайиб бориши шароитларида ҳам табиий газ қазиб олиш суръатларини ошириш мумкинлигини кўрсатди. Бу комплекс чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

мавжуд қудуқларни қўшимча бурғилаш ва капитал таъмирлаш;

мавжуд станцияларни юқори босимли газ билан таъминлаш учун паст босимли СКС ни қуриш;

кон коммуникацияларининг ўтказувчанлигини ошириш билан газ йиғиш тизимини кенгайтириш.

Юқоридаги жараёнлар бўйича тадқиқотлар ва уларни аномал даражадаги паст қатлам босими билан ишлайдиган газ-конденсат конларини қўшимча ишлатиш лойиҳаси фаолиятига татбиқ этиш конни ишлатишнинг якуний босқичида газ қазиб олишнинг пасайиш суръатини қисқартириш имкониятини бериши исботланди.

Ишлаб чиқилган ечимлар конларни ишлатишни лойиҳалаш вазибаларини ер усти объектлари тизимини лойиҳалаш вазибалари билан интеграцияланган ҳолда комплекс бирлаштириш заҳираларни тўлиқ ишлатиш даврида конларни эксплуатация қилишда прогноз кўрсаткичларининг энг ишончли сценарийсини беришини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Газ-конденсат конларини қазиб олишнинг камайиши даврида газни тайёрлаш ва ташиш технологияларини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида газ олиш динамикасининг газни тайёрлаш ва ташиш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Конларни ишлатиш жараёнида ер усти қисми тизимларида иқтисодий йўқотишларни камайтириш мақсадида газни бирламчи тайёрлашда коннинг ўзида томчили суюқликларни утилизация қилиш ва газни якуний тайёрлаш қайта ишлаш заводида амалга ошириш таклиф этилди.

Олтингугурт миқдори паст конлардан Муборак ГҚИЗ га газ узатиш тизимини ўрганиш шуни кўрсатдики, станцияга киришда газнинг минимал ҳарорати $+17^{\circ}\text{C}$ дан паст эмас. Олтингугурт миқдори паст конлардан газни сиқиш ва қайта ишлаш учун эксплуатация харажатларини камайтириш учун газнинг шудринг нуқтасини бир фазали ҳолатда ташишни таъминлаган ҳолда $+15^{\circ}\text{C}$ даражасида ўрнатиш таклиф этилди.


Зеварда, Алан ва Култак конларида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, газни тайёрлаш тизимидаги босим 1,0 МПа гача тушиши ҳолида сепарация температурасини $+10^{\circ}\text{C}$ гача таъминлаш мумкин, бу эса ўз навбатида қувурларда суюқлик пайдо бўлиши ва газ гидратлари ҳосил бўлишини минималлаштириш имконини беради.

Коннинг ўзида газни тайёрлашнинг ушбу усули яна шу билан асосланадики, тайёрланган газ таркибидаги газ конденсати миқдорини камайтиради, ҳамда конлардаги газнинг энергиясидан минимал фойдаланган ҳолда газни қайта ишлаш заводи кириш қисмидаги босимни кўтариш имконини беради.

Газни қайта ишлаш заводларида олтингугуртдан тозаландан сўнг

гликоль қурилмаларида қуритиш ёки сунъий совуқлик ёрдамида ёки турбодетандер қурилмаларида газнинг бутун ҳажмини совутиш орқали О'з Dst 948:2016 талабига мос газ сифатига эришилади.

Зеварда газ-конденсат кони мисолида қатлам энергияси тушиш даврида турбодетандер моноблочки агрегати билан сиқув компрессор станцияси технологик циклига уланган паст ҳароратли сепарация қурилмасининг приципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Газни тайёрлаш учун рационал энергия (босим) ҳаражатлари схемаси (муаллиф Ли А.Р., 2020 йил)

3-расмда G_0 – сепарациянинг биринчи босқичи C-1га келаётган газнинг миқдори; L_0 – сепарациянинг биринчи босқичидан ажратилган конденсатнинг миқдори; G_1 – сепарациянинг биринчи босқичига келаётган газнинг миқдори; G_2 – иссиқлик алмаштиргичнинг биринчи босқичига келаётган газнинг миқдори; G_3 – қарама-қарши томондан узатилайётган газнинг миқдори; L_4 – C-2 сепаратордан ажралиб чиққан конденсатнинг миқдори; L_5 – C-3 сепаратордан ажралиб чиққан конденсатнинг миқдори; P_1, P_2 – ПХАга кириш ва чиқиш босими; $t_1, t_2, t_3, t_4, t_5, t_6, t_7, t_8, t$ – газнинг ҳарорати; η – ТДнинг фойдали иш коэффиценти; t_s – газнинг изоэнтропик кенгайишининг назарий ҳарорати; k_1, k_2 – Т-1 ва Т-2 иссиқлик алмаштиргичнинг иссиқлик алмаштириш коэффицентлари; F_1, F_2 – Т-1 ва Т-2 иссиқлик алмаштиргичларинг иссиқлик алмашиш юзаси; b_1, b_2 – Т-1 ва Т-2 иссиқлик алмаштиргич қувурлари оралиғидаги газ сарфи.

Ишлаб чиқилган блок-схема ПХСҚ рационал иш технологик параметрларини аниқлаш имконини беради. Газни тайёрлаш тизими параметрларининг ўзгариши газ-конденсат аралашмаси фазавий ҳолатининг ўзгаришига олиб келади.

Газ ҳароратининг ўзгармас босимда пасайиши углеводородлардан бир қисмининг суяқ фазага ўтиши билан кечади. ГКТҚда босим пасайиши газнинг газ қувурига киришидаги босимини оширади.

Қувурлардаги босимнинг пасайиши улардан хавфсиз фойдаланиш имконини яратади.

1-жадвал

Зеварда конидаги паст ҳароратли сепарация қурилмасининг рационал технологик режими

№	Давр номи	С-101		С-102		С-0		С-103		ПҲС дан чиқиш	
		Р, МПа	t, °С	Р, МПа	t, °С						
1	Ўсувчи қазиб чиқариш	10,0	50,0	9,9	23,0	-	-	5,7	-10,0	5,5	40
2	Ўзгармас қазиб чиқариш	10,0	50,0	9,9	23,0	-	-	5,7	-10,0	5,5	40
3	Тушувчи қазиб чиқариш (таклиф қилинган режим)	0,5	50,0	6,0	17,0	5,8	17	4,5	+10	5,0	45

Ишлаб чиқилган технологик схемалар асосида Зеварда конида ПҲС тизимининг ишлаш режими ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал) ҳамда “МГҚИЗ” гача бўлган газ қувурларининг гидравлик ҳисоби 2030-йилгача истиқбол даври учун ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоб-китоблар натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Конлараро газ қувурларини ишлаш режимнинг рационал гидравлик параметрлари

Q, млн. м ³ /сут.	Диаметр, мм	Узунлиги, км	Газнинг бошланғич параметрлари		Газнинг якуний параметрлари		Тезлик, м/с
			Р _н , МПа	t _н , °С	Р _к , МПа	t _к , °С	
Зеварда III тармоғи - МГҚИЗ							
9,5	1020	60,0	5,0	40,0	4,45	29,1	3,2

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, қувур ўтказувчанлиги 2020-2030 йилларда лойиҳаланаётган газ ҳажмларини узатиш учун етарли бўлиб, МГҚИЗ киришида босим 4.2 МПа ни ташкил қилмоқда ва конлараро газ қувурларини кенгайтириш ишлари талаб этилмайди.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқотлар асосида қатлам энергиясининг юқори даражада пасайиб бориши даврида ишлаётган газ-конденсат конларининг технологик иш режимларини бошқариш, табиий газ ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқори ҳажмларини таъминлаш ва сақлаш, газни йиғиш, сиқиш, тайёрлаш ва узатишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Амалдаги ва янги ишга туширилаётган конларда иш шароитларининг оғирлашуви ҳисобига газ ва газ-конденсатни қазиб олиш тезлигини максимал даражада ошириш мақсадида турли газ динамик тизимларнинг “қатлам–қудуқ танаси – ер усти жиҳозлаш тизимлари” комплекс ҳисоб-китобларининг услубий жиҳатлари такомиллаштирилди.

2. СКС нинг тахминий жойлашуви аниқланди, у қудуқнинг бошидаги босим ва шлейфнинг диаметри билан белгиланади, шунингдек турли узунликдаги қудуқларнинг маълум миқдори СКСга уланганлигини ҳисобга олган ҳолда СКСнинг жойлашув ўрни ўртача узунлик сифатида белгиланди.

3. Минимал металл истеъмоли мезонига кўра, коллектор тизимларининг энг самарали жойлашувини оқилона аниқлаш масаласи, блок-схема бўйича қудуқнинг турли босимларида ишлайдиган қудуқ тизимининг технологик иш режимини аниқлаш шлейфдаги босим йўқотишларини минималлаштиришнинг технологик мезони билан боғлайдиган жараённи ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш билан амалга оширилди.

4. Конларни ишлатишни лойиҳалаш вазифаларини ер усти объектлари тизимини лойиҳалаш вазифалари билан интеграциялаш учун технологик ечимлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар кон эксплуатациясининг реал шароитларига энг мос келадиган прогноз кўрсаткичларини таъминлашга имкон беради.

5. Конлардаги аномал паст қатлам босимларида, конларни ер усти жиҳозлаш тизимларида иқтисодий йўқотишларни камайтириш мақсадида газни дастлабки тозалашни коннинг ўзида томчи суюқликни утилизация қилиш (газ сифатининг янги кўрсаткичлари) билан, газни якуний тайёрлашни эса заводда амалга ошириш тавсия этилди.

6. Қатлам энергиясининг тушиши шароитида конларни модернизация қилишнинг инвестицион ҳаражатларини камайтириш учун газ динамик модел асосида паст ҳароратли сепарация қурилмасининг ишлаш режимининг рационал технологик параметрлари тавсия этилди.

7. Зеварда ва Алан конларига қўлланилган паст босимли СКС -ни қуриш орқали конларни кўшимча ишлатиш бўйича бажарилган тадқиқот ишларини қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш Зеварда конида товар газни қазиб олиш ҳажмининг 2021 йил апрель-июль ойларида 100,061 млн. м³ га, Алан конида эса 2021 йил март-июль ойларида 237,096 млн. м³ га ортганини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
АО «O'ZLITINEFTGAZ»**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЛИ АЛЕКСАНДР РОБЕРТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ СБОРА И ПОДГОТОВКИ
ГАЗА НА ПОЗДНЕЙ СТАДИИ РАЗРАБОТКИ ГАЗОКОНДЕНСАТНЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

04.00.13 – Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.PhD/T2274.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://liting.us/pages/view/77>) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Назаров Улугбек Султанович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хужаев Исмадулла Кушаевич доктор технических наук, профессор Шевцов Владимир Михайлович кандидат технических наук
Ведущая организация:	Филиал федерального государственного автономного образовательного учреждения высшего образования «Российский государственный университет нефти и газа (Национальный исследовательский университет) имени И.М. Губкина в городе Ташкенте (Республика Узбекистан)

Защита диссертации состоится 14 07 2022 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.23/25.08.2021.T.136.01 при АО «O'ZLITINEFTGAZ» (адрес: 100029, г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 2, тел.: +998712806700; факс: +998712566648), e-mail: liting@liting.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре АО «O'ZLITINEFTGAZ» за № 2, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (адрес: 100029, г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 2, тел.: +998712806700; факс: +998712566648, e-mail: liting@liting.uz).

Автореферат диссертации разослан 28 06 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 2 от 28 06 2022 года).



А.Х. Агзамов
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней
д.т.н., профессор

Р.У. Шафиев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н.

Н.Н. Махмудов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. В мире, в связи с интенсивной разработкой месторождений природного газа и истощением пластовой энергии в залежах, в последние годы уделяется особое внимание развитию и совершенствованию технологий добычи для максимального извлечения геологических запасов. Следует отметить, что создание новых и модернизация существующих систем добычи природного газа, являются одной из наиболее актуальных проблем. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой отрасли является усовершенствование методов добычи с целью дополнительных приростов углеводородного сырья, которые имеют важное теоретическое и практическое значение.

В мире проводится ряд научных исследований по наиболее полному использованию геологического потенциала месторождений путем изыскания прогрессивных научно-технологических решений для максимального разделения природного газа от попутно добываемой воды и газового конденсата. В этом направлении уделяется особое внимание созданию эффективных геолого-газодинамических моделей добычи природного газа, разработка и совершенствование методов и технологий сбора и подготовки газа, повышающих степень извлечения их запасов, в связи с ухудшающимися условиями добычи газа, а также модернизации применяемых систем разработки месторождений, что способствует увеличению прироста запасов и восполнения ресурсной углеводородной базы.

В Республике особое внимание уделяется совершенствованию технологии сбора и подготовки газа на поздней стадии разработки газоконденсатных месторождений достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. отмечена необходимость «... повышения конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, повышение производительности труда в отраслях экономики, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, сферу управления»^{1 1}. В связи с этим, повышение эффективности разработки месторождений углеводородов на основе разработки и совершенствования технологии сбора и подготовки газа на поздней стадии разработки газоконденсатных месторождений имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г., «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5646 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью Республики Узбекистан» и в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-4388 от 9 июля 2019г. «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отрасли».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

